

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 200 (6. 391)

© 1987 йил 3 сентябрь, пайшанба

Баҳоси 3 тийин

Факт ва шарҳ

Штурмансиз аэробус...

ИЛ-86 самолёти Тошкент—Москва—Тошкент маршрути бўйича ҳозирча одат бўлмаган рейс билан учди. Самолётни командир Валерий Николаевич Тян, иккинчи учувчи Борис Тимофеевич Соловьев, борт инженер Александр Александрович Никитин бошқаришди, экипаж составида штурман йўқ эди.

Аэрофлотнинг карвонбоши машинасида илк бор штурмансиз учибга ўзоқ вақт тайёргарлик кўрдилар, экипаж янгица ишлашга ўргатилди, навигация-маълумот хўжжатларини тайёрлаш бобида кўп иш қилинди. Ҳавога Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг энг яхши мутахассислари кўтарилишди. Бу кишиларнинг тавассути, кулосалари ва таъсирлари бошқа экипажларни ҳам қисқарган составда учибга ўргатишга ёрдам берди.

УзТАГ мухбири экипаж командири В. Тянгга бир неча саволлар берди:

— Валерий Николаевич! Маълумки, сиз Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг учми-штурманлик бўлими бошқармисиз. Ушбу парвозга командирликни ўз зимманига олишингиз боисини айтиб берсангиз?

— Бошлиқлар одамларни қандай юмуш бажаришга юборишганини билишлари керак. Улардан нима талаб қилиш лозими, уларни нималарга ўргатиш кераклигини ҳам ўқиб олишлари керак. Бундан ташқари, мен ўзим учун белгиланган нормани бажариб, вақти-вақти билан учиб туришим ҳам керакда.

— Ҳамонки, ИЛ—86 само-

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, штурмансиз учиб аэробуслар парвози хавфсизлигини сира ҳам қамайтормайди. Аксинча, ИЛ—86 самолёти аввал бошданроқ турта учувчи учун эмас, балки учта учувчига мўлжаллаб лойиҳалаштирилган эди. Уларга самолётга ўрнатилган энг янги ускуна, жумладан электрон-ҳисоблаш машинаси ёрдам беради.

Мураккаб топшириқни намунали бажариб, штурмансиз биринчи марта учган экипаж аэрозоли фазрий ёрликлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Тошкентдаги бирлашган авиаотряд учми бўлимининг бир қанча раҳбарлари парвозни тайёрлашни таъминлаганликлари учун рағбатлантирилди.

Ю. КОТОВ, УзТАГ мухбири.

билан таъминлашимиз мумкин.

— Одатдаги учушлар билан мазкур рейс ўртасидаги тафовут нимада?

— Командир ва иккинчи учувчига илгаригига нисбатан аниқсиз қўниш вақтида кўпроқ ишлашга тўғри келади. Тайёргарлик чоғида орттирилган кўнишга ёрдам беради. Самолётга ўрнатилган ЭХМ ҳам шу вазиятда ниҳоятда кўл келади.

— Мамлакат Граждан авиациясининг бошқа бошқармалари ҳам экипажнинг ана шундай состави билан учяптими?

— Йўқ, ҳозирча учимас. Бундан бир неча йил муқаддам Москвадаги Внуково бўлимининг учувчилари уриниб кўришган эди. Мен

ўша кезлар ана шундай учушларда иштирок этганман. Кейинчалик бу ташаббус аро йўлда қолиб кетди. Ҳозир эса биз шу ишни қайтадан бошладик.

— ИЛ—86 самолётида уч киши бўлиб учибга неча экипаж шай бўлиб турибди?

— Учта экипаж. Биринчиси Владимир Иванович Гребенников командирлик қилмоқда, иккинчисининг командири Владимир Иванович Ильин, учинчи экипаж эса бизники. Қўниш, ўрганиш давом этмоқда. Шу беш йилликда карвонбоши самолётда қисқартирилган составда барча экипажларнинг ярмаси ўчди, деб мўлжаллаб туришимиз. Бу эса маълумли кўрсатадики, самаралироқ фойдаланишга имкон беради.

... Яна бир нарсани илова қилиб ўтишни истар эдик. Кенга авлод кишилари Гребенниковни эслашга керак. У Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг доверуғли меҳнатқоши, Совет Иттифоқида хизмат кўрсатган учуви, у биринчилар қатори ТУ—104 ва ИЛ—18 сингари машиналарнинг бошқарган. Бу мақолада гап Иван Федорович Гребенников ҳақида эмас, балки отасининг ишмини муносиб давом эттириётган фарзанди. ИЛ—86 самолётининг командири ҳақида борди.

Коммунист ибрати

Ўзини катта ишларга бағишлаган барча кишилар орасида коммунистлар фазрий ўрин тутадилар. Улар ҳаммаша буюк мақсадларни кўзлаб фидойилик кўрсатадилар. Кўпгина шонли аъёнларини давом эттиришда ва янгиликларни бошлаб беришда ташаббускор бўладилар. Мўтабар Маҳмуджонбаев ҳақида сўз борганда бундай фидойиликнинг ниҳоятда қамтарона бир ифодасини кўрамиз. Гап шундаки, у Қўқондаги ўрта мактабни битиргандан кейин Тошкентга келиб темир йўл транспорт инженерлари институтига ўқишга киради. Тўғри кечки бўлимига! Айни пайтда Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонт заводида оддий кранчи бўлиб ўз меҳнат фаолиятини бошлади.

Орадан йиллар ўтди. Мўтабар институтни муваффақиятли битирди. Хўш, энди нима қилиш керак! Дипломини олиб, бирон «тузуқ» ишга кирсинми ёки оддий кранчилигини давом эттирсинми! У ҳеч иккиламасдан шу ерда қолиб ишлашга, кранчилигини давом эттиришга қарор қилди. Унинг ягона мақсади

бу касбини илдан-илгасигача чуқур эгаллаб олиш, коллектив ўртасида қозонган обрўсига янада обрў қўшиш, хуллас коллектив ютуқларига ўз муносиб ҳиссасини қўшиш эди.

Коммунист М. Маҳмуджонбаев гилдирак чехининг барча ишларига бош-қош: у қандай жамоат топшириғи берилмасин, уни сидқиқидан адо этишга ҳаракат қилади. Коммунистлар, корхона ва чехининг ишчи-хизматчилари ўртасида ишларни қайта қуриш ва жадаллаштириш борасида қизқарлик суҳбатлар ўтказмоқда.

Меҳнатдаги фаолиги учун у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Коммунистлар, касба соҳа аъзолари, комсомоллар уни жонқуяр, меҳрибон нисон сифатида гоёда ҳурмат қилишди. Оддий ишчи учун бундан ҳам каттароқ бахт борми! Коллектив ҳурмат-этиборига сазовор бўлишни Мўтабар ўзи учун гоёда шарафли деб билади.

СУРАТДА: М. Маҳмуджонбаев. Т. Баронов фотоси.

Юбилей олди мусобақасида

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига беш йилликнинг икки ярим йиллик планини бажариш мажбуриятини олган В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводининг механика цехи пешқадамлари эришган ютуқлар чакни бўлмапти. Бу цех коллектив ўн биринчи беш йилликда ҳам қувончли ютуқларни қўлга киритган эди.

Цехда коммунистлар етакчилигида барча участкаларини ишларлар сафига етказиб олиш ҳаракати авж олган. Бу ерда аниқсиз дастуорларнинг ишнинг аниқ қўлига қўйишга, уларнинг қандайлигини оширишга, иш маромини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда слесарь-ремонтчиларга талабчанлик оширилди. Шунинг дикқатга сазовор, кўпгина слесарь-ремонтчилар қирқувчилик, силлиқчилик касбларини ҳам эгаллаб олган. Цехга келган ёшларга ҳам ана шу анжана сингидрилмоқда. Мураббийлик ҳаракати ишларнинг касб сирларини тезроқ эгаллашларига ёрдам бermoқда.

Ҳозирча 350 га яқин бригада юбилей шарафига мусобақасида актив иштирок этиб, иш сифати ва унвонини оширишга интиломоқда. Юбилей олди махсус мусобақасида бир неча минг ишчи-хизматчи фаолият кўрсатапти.

Қайта қуриш йўлида

«Лаваташавотрансин Н Г 2-автокомбинати коллектив ўртасида социалистик мусобақани қайта қуриш бўйича кўпгина ишлар олиб бoрилмоқда. Бу ерда мусобақанинг индивидуал формасини қучайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Ҳар бир киши қайта қуриш масалаларини чуқур аниқлаб еттиришга, йўловчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этишни янада яхшилашга, пировад натижада эса барча техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга асосий эътибор бermoқда.

Комбинат партия ва касба соҳа ташкилотлари куч-гайрати билан бригада Советларининг фаолиятини янча активлашди. Мусобақа натижалари бригада советларида, цехларда атрофида муҳофиза этилмоқда. Бу эса мусобақанинг таъсирчанлигини таъминлашга ёрдам бermoқда.

Ҳозирча қандайдир бригада Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллигига беш йилликнинг икки йилли планларини адо этиш учун кураш бошлаган.

Корхоналарга ёрдам

Одатда, йирик корхоналарда эллик-юз минглаб турли приборлар ишлатилади. Уларни вақтида созилаш, ҳолидан хабардор бўлиб туриш осон эмас. Хўш, бу мураккаб ва катта техникани ўз вақтида созилаб туришни енгилаштиришнинг имкони борми!

Ана шу муаммо устида «И. Бариев» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини астойдил бош қотирди. Янги яратилган учёт-контроль системаси ана шу ранг-баранг приборларни ўз вақтида созилаш, иш сифатини кўтаришда кўл келади. Тўғри, ҳали у кенг омалашгани йўқ. Аммо ҳозирдаёқ у республиканинг доирасида чиқиб, Қирғизистон, Оренбург, Куйбисев, Кузбасс ва бошқа жойлардаги энергетика системаларида муваффақиятли қўлланилган.

Янги маросимлар ташвиқ қилинмоқда

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективиде замонавий урф-одатлар ва маросимларга бағишланган ёшлар

кечаси бўлиб ўтди. Комсомоллар иш сменаси тугагандан кейин трикотажчи аёлларнинг корхона ёндағи қаерга тақлиф қилдилар. Бу ерда совет маросимлари ҳақида, қадим замоналарда диний эътиқодлар тўғрисида пайдо бўлган ва ҳозир эскириб, тугаб бoраётган урф-одатлар ҳақи-

да лекция ўқилди. Бадиий ҳаваскорлар кеча қатнашчиларига атеистик маззадаги пьесалардан саҳналар намойиш қилдилар.



Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон мамлакатлари ўртасидаги дўстлик алоқалари йил сайин ривожланиб бermoқда. Икки буюк мамлакат ўртасидаги келишувга биноан Совет Иттифоқида давом этётган Ҳиндистон халқларининг маданияти байрами бу дўстликнинг ёрқин тиласидир. Байрамни ўтказиш навабати Тошкентга етиб келди. Эртага пойтахтининг энг муқаддас ва мўтабар маскани — В. И. Ленин номи майдонда бошланганда Ҳинд байрамига қиз-қиз тайёргарлик бoрипти. Бу ердан ўтган ҳар бир киши бағри кенг майдон узра бунёд бўлган шарқона услубдаги фукурор иншоотларни эътибор билан томоша қилмоқда.

Ўзбекистон ССР Монтепа ва махсус курилмиш ишлари министрилик ҳамда «Лаваташавотрансин» бригадалари бу ерда металл конструкциялардан ўтказиш минорани монтаж қилишни ниҳоятда етказишди. Бундан ташқари ўн битта театр сахнаси, қирқдан ортиқ павильонлар бунёд этилди. Бу савдо дўконларида Ҳиндистон ҳунармандлари тайёрлаган нафис буюмлар ва шакриимизда тайёрланган янча ичимликлар билан савдо қилинади. Ҳинд халқининг Утсав байрами нишонланганда майдонда барча ишлар ниҳоятда етди. Ҳар хил томошалар кўрсатиладиган бинолар чўғдай товланган газламалар, чиройли тақичоқлар билан безатилган. Бу ишларга Ҳиндистондан Тошкентга келиб ишлаётган дизайнерлар, архитекторлар ва рассомлар бошчилик қилмоқда. Утсав байрами ўтказилишининг бош расми — маросим дизайнери ва фестивалнинг ташкилий постановкаси группаси директори Дэшрат Пател шу кунларда тиним билмай ишлемоқда.

СУРАТЛАРДА: Ҳиндистон санъат усталари истиқомат қилмайдиган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси байрам рўида безатилган; Утсав байрами учун биноларни безашда қатнашган рассомлардан Омар Нок Кош ва Манас Чокровортилар. Х. Мирзаниров фотолари.

«ТОШКЕНТ БАЙРАМГА ТАЙЁР»

Георгий ИВАНОВ:

СССРда Ҳиндистон фестивали Тошкент ташкилот кoмитети штабнинг сўнгги мажлиси аниқ ва тезкорлик билан ўтди. Министрликлар билан идораларнинг вакиллари ортита гап-сўз қилмай, ўзларига топширилган соҳалар ва хизматлар тайёр эканлигини маълум қилдилар. Совет—Ҳиндистон фестивалларининг бош директори Г. А. Иванов ҳам ҳамма нарсаси тахт бўлганини тасдиқлади.

Аммо бу ҳамма масаладар ҳал этилди, деган маънони билдирмади. Ҳар соат, ҳар дақиқа саволлар туғилмоқда.

— Георгий Александрович, Москвадан сиз Ленинградга борасиз, у ердан Тошкентга учасиз, сўнгра Дехлига борасиз. Бундай тизим иш бoричи ой бўлаётгани йўқ...

— Бунга ҳинд артистларининг концертлари, кўргазмалар, кинофестиваллар ўтказиш СССРдаги ўнлаб шаҳарларни ҳам илова, қилинг, осон иш эмас, албатта. Аммо ташкилот комитетиде ташаббускор, ижодкор кишилар бўлишаниш. Шу сабабли муаммолар ҳеч қийинчиликсиз ҳал этилмоқда. Бу гап Тошкентнинг касбдошларимизга ҳам тўғри кўлиниди. Тошкент дирекцияси зимманига қўйилган ҳамма вазифалар қўнишдагидек бажарилмоқда. Қурувчилар ва безатувчиларга жуда қисқа муддат берилганига қарамай, Ҳиндистон халқ байра-

ми — Утсав тантанали маросими ўтказилган В. И. Ленин номи майдон тайёр бўлди. Ҳиндистон коллективлари нинг чиқишлари программаси келишиб олинди, концертлар, кўргазмалар, репетициялар учун заллар тахт қилинди.

Кези келганда айтиш керакки, Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистон концерт ташкилотлари вакиллари билан кенгаш ўтказиш меҳнати Тошкентга командировкам вазифасига киради. Ҳиндистон вакиллари региондаги ўнлаб шаҳар ва қишлоқларда бўладилар. Дўст халқ санъати билан мумкин қадар кўпроқ совет кишилари танишишлари учун ҳамма ишни қилиш керак.

— Тошкентдаги тантаналар билан Совет—Ҳиндистон фестивалларининг иккинчи босқичи очилиши эълон қилинди. Бу қандай босқич? Бу босқичлар ўзи неча?

— Маълумки, фестивал бир йил давом этади. Шу сабабли уни биз «босқич»ларга ажратдик. Биринчиси — Москва ва Ленинграддаги байрами, иттифоқдош республикаларда Ҳиндистон концертларини ўз ичига олади. Тошкентдаги Утсав иккинчи босқичи очилди. Шундан кейин кинофестиваллар, кўргазмалар, Совет Иттифоқи бўйлаб концертлар, шунингдек Ҳиндистонда мамлакатимиз фестивалнинг тантанали очилиши бўлади. Бу воқеа Дехлида ноябрнинг охирида бўлади.

Масимнинг бош расми — дизайнери ва фестиваль постановкачи группасининг директори Дэшрат Пател биз билан суҳбатда дунё ҳали бундай тадбирларни кўрмаган эди, деди. Тошкент асосий байрамлар ўтказишда совет шаҳарлари қаторига кирганлигидан Ҳиндистон аҳолиси мамун бўлмоқда. Нима учун айтиш Тошкент танлаб олинди?

— Совет — Ҳиндистон фестиваллари Ҳиндистон мустақиллигининг 40 йиллиги ва Октябрнинг 70 йиллигига бағишланди. Тошкентни Ҳиндистон томонини танлади. Ҳиндистон тарихидаги кўп воқеалар сизнинг шаҳрингиз билан боғлиқ. Шулардан бири 1966 йилда Тошкент декларациясининг имзоланганидир. Бу декларация Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги қуроли можорани тўхтатишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Яна бир муҳим фактни келтирамиз. Тошкент — йирик саноат ва маданият марказидир. Бу ерда Ҳиндистон тарихини яхши билишди, Ҳиндистон миллий маданиятини тушунишди ва қадрлашди.

Мендан қўнича Тошкентда Утсав Москва ва Ленинграддаги байрамга ўхшаб бўлади, деб сурашди. Йўқ, ўхшамасди. Бу улкан ва тақдорлимас маданий тадбирдир. Бу ерда саҳна мадонлари ва павильонлар структураси янги ҳал этилган, ўзига хос декорация ишлатилган. Навоий номи театрда, бошқа концерт залларида ўтказилган оммавий томошаларда халқ мамлакатимизда ўз маҳоратини намойиш қилмаган Ҳиндистон ижодий коллективлари қатнашади.

Дэшрат Пателнинг режиссига қўра, Утсав — халқ байрамида фақат Ҳиндистон вакиллари эмас, балки меҳмондўст мезбонлар ҳам иштирок этадилар. Мен байрам режалари рўйга чиқишига ишонаман.

— Совет Ўзбекистонидан Ҳиндистонга кимлар вакил бўлиб бoриди?

— Республиканинг энг яхши ижодий коллективлари бoради. Улар орасида Навоий номи опера ва балет театрининг балет артистлари, «Баҳор» давлат халқ ансамбли, «Ялла» вокал-чолга ансамбли бор. Ҳиндистон аҳолиси Тошкент кўнжроқ театри коллективининг ижоди билан танишади, Ўзбекистоннинг манзарали-амалий санъати кенг намойиш қилинади ва кўргазмага бoради.

Бу коллективларнинг ҳаммаси сентябрь ойининг охирида Москвада репетиция ўтказишади.

Бу келгусидаги гаплар. Ҳозир эса биз Тошкентда Ҳиндистон номи майдонда Утсав байрами очилиши маросимини сабрлиқ билан кутомоқдамиз.

Л. ЛЕВИН, С. ФЕНОТИН. УзТАГ мухбирлари.

Бизнинг интервью Дўстлик тантанаси

Эрта серкўш республикамиз пойтахти — Тошкентда бошланган Ҳиндистон фестивалига юзлаб ижодчилардан иборат ўнлаб санъат коллективлари етиб келишди. В. И. Ленин номидаги майдонда ўтган бош репетиция пайтида меҳмонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг қувонч сўзларини ёзиб олдик.

Доктор Сурен ШАРМА, Панжоб штатидаги «Бхангра» группасининг бадиий раҳбари.

— Коллективимизда ёшлар ҳам, катта ёшдаги артистлар ҳам бор. Бу байрам В. И. Ленин номи билан аталувчи улугвор майдонда бошланганлигини учун ҳам шарафлидир. Бу байрам ўзига хос рамзий бўлиб, у икки мамлакат халқлари ўртасидаги тинчлик ва дўстлик алоқаларининг тантанаси

ҳисобланади. Ранг-баранг, томошаларда мамлакатимизнинг кўпгина вилоятларидан келган коллективлар қатнашадилар.

Бизнинг группамиз жаҳоннинг 12 мамлакатини — АҚШ, Канада, Англия, Саудия Арабистони сингари мамлакатларда маҳоратини намойиш этган. Тошкентга биринчи марта марҳамат қилгангизимиз учун ҳам беҳад ҳаяжонланганмиз. Вой айтганаларга эга бўлган Ҳиндистон санъатининг бу катта байрам томошабинларга манзур бўлишини жуда ҳам истаймиз. Биз тошкентликлар бу байрамга катта қизиқиш билдираётганидирдан гоёта мамун бўлдик. Ҳозирча сизнинг шаҳрингиз билан атрофида танишмаган бўлсак ҳам В. И. Ленин номидаги майдон ва унинг атрофидаги осмонлар ҳашаматли бинолар шаҳарнинг асим эканлигидан далолат бериб турибди. Албатта шаҳар ҳаёти билан танишамиз. Ўзбекистон кишилари аjoyиб меҳмондўст эканлигини яққол тасаввур этидик. Фестивални ташкил этишда тошкентликлар жон-бозлик кўрсатишганлиги бизга нисбатан бўлган ҳур-

мат ва эътиборнинг ифодасидир.

Тошкентдан кейин мамлакатингиз шаҳарлари бўйлаб сафарга чиқамиз. Ўзбекистон диридаги учрашувлар қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

Лина ВАНМАРИ, Бомбей университети рақс группасининг бадиий раҳбари.

— Бомбей университети факультетларидан бирининг рақсчилари студиясига раҳбарлик қиламан. Биз Ҳиндистонда бўлган кўрик фестивалда Тошкентга келиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Бундан группамиз аъзолари беҳад хурсанд. Бу

ерда энг фойдали баҳаво масканда В. И. Ленин номидаги майдонда бизнинг байрамимиз бошланиши билан бахтланамиз. Бутун майдон узра ҳинд музикаси садолари янграйди, рақслар авжга чиқади. Ҳиндистоннинг Уттар Прадеш штатида севиб томоша қилинадиган «Чаулия» рақсини бу ерга тайёрлаб келдик. У ўзига хос жоюбали ва халқчилик. Тошкентдан кейин Бухоро, Навоий, Самарқанд, ундан сўнг Мари ва мамлакатининг энг бошқа шаҳарларига бoриш таралдуидимиз. Ўзбек халқининг Ҳиндистон санъатига бўлган меҳри ва

муҳаббати албатта бизни қувонтиради. Мен Бомбей университетиде 32 йилдан буюн ишлайман. Мамлакатимизда радио ва телевидение орқали жаҳонда ҳинд хотин-қизларининг тутган роли ва ахлоқи проблемалари ҳақида гапирарман. Ҳиндистон хотин-қизлари ўзларининг социал турмушини янада яхшилашни орау қиладилар. Бугунги кунда ҳинд ёшлари, айниқса қизлар билим масканларида ўқиб, фан чўққиларини эгалламоқдалар. СССРда Ҳиндистон фестивали аjoyиб паллада — Ҳиндистон Республикаси мустақиллиги 40 йиллиги нишонланаётган пайтда ўт-

Бу гулшан аро йўқдир
бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур
қолса яхшилик билан от.
Алишер НАВОИЙ.

Соғлиқни сақлаш — социал вазифа

ЧОРАСИ
ТОШИЛДИ

Бир кунлик саёҳат

Тоғдаги
«сирли кўзгу»



Бўстонликнинг табассум қилувчи гўзал «чеҳрасига кўзгудек тил-тинч зумрад кўллар нукта қол бўлиб тугшан десак янглишимиз. Угом тоғи бегридан оқиб чиқиб, ахшилик ва тўқилик улашмига ошқабатган шафқор суви Урунғасойдан бироз юрб, ўнг соҳилга кўтарилсангиз афсонавий кўлга чиқасиз. Бу кўл ҳақида маҳаллий аҳоли орасида аёллардан аёлдаги ўтиб келатган бир афсона ҳам бор. Унда ривоят қилишларича, вақт-вақти билан кўл остида сув сатҳига чиқиб турувчи ва яна сув остига шўғиб кириб кетувчи ёввойи от бормиш.

Зилот суви мовий кўлнинг соҳилидаги оҳантошларни оралаб ўтсангиз, кўлга ўз сувини ҳада қилаётган сакрий сойга дуч келасиз. Бу ердаги қорамоллар соҳилга қайси йўл билан ўтиб қолганини, кўлдаги афсонавий от сингари сизни қизиқтиришга тайин. Маълум бўлишча, уларнинг эгаллари эрта баҳорда, яъни кўлнинг сув сатҳи пасайганда очилиб қолган ёлғиздек йўлдан шу ерга молларини элтиб қўядилар. Кеч кузда эса, сўқмоқ йўл очилиши билан, яна семирган қорамолларни зўр қувонч билан олиб кетадилар.

Денгиз сатҳидан 1500 метр юқорида жойлашган бу кўл табиий тўғон билан тўсилган бўлиб, узунлиги 660 метри, энг кенг жойи 284 метри, энг чуқур жойи эса 21,5 метри ташкил этади. Кўш нурлариде ястаниб юргангизга ором бэхш этувчи меғур қоялар ва тик чўққилар бегридаги бу меғурун қор кўл (расмга қараши) қачонлардир сой ўзанига қорларнинг қўлаб тушуши тўғайли баландлиги қарийб 100 метри, узунлиги эса деярли 600 метри тўғон ҳосил бўлишидан пайдо бўлган. «Ёввойи от» афсонасининг туғилишига асосий сабаб дарё кўлга оқиб келган дарҳат танаси бўлса керак, балки уни «ёввойи от» деб ҳаёл қилишган. Бу ўринда, юқоридаги қорамолларнинг ҳам эслаш ўринлидир. Чунки, улар турган ўлқоққа ёз ойлари фақат қўлдан сузиб ўтиши мумкин. Сузишга эса отлар жуда эңил бўлиши барчага аён.

Ўз афсонасига кўра Шотландиянинг Лок-Несси қўлидаги машҳур маҳлукни эслатувчи бу кўлга Сижока, Полвонок, Телар каби хушманзара кишлоқлардан ўтиб замонавий асфальт йўл орқали боришингиз ва кўл қўйида ҳузур қилиб дам олишингиз мумкин.

Исмоил ОТАЖОНОВ,

СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

Ўтук маданияти

Тилининг соғлиғи, фикр аниқлиги, ўқирлиги учун кураш маданият ҳуроли учун бўлган курашдир.

М. ГОРЬКИН.

Наҳондаги барча тиллар бир-бири билан доимо ҳамкорликда, алоқадар ривожланибди. Бу объектив ва прогрессив ҳодисадир. Бир тилининг бошқа бир тилдан сўзлар қабул қилиши, ўз навбатида, бошқа тилга сўзлар бериши ҳар инқила тилининг ҳам бойишига йўл очди. Ҳозирги замон ўзбек тилига назар ташласак, она тилимиз билан қадимдан ўзаро алоқадар бўлган араб, форс-тожик ва бошқа тилларга мансуб сўз ва грамматик кўрсаткичларнинг талайгина эканини кўрамиз, айниқса совет-интернационал сўзлар ҳозирги ўзбек тили дугат бойлигининг фойдаланишга ҳисобланади.

Маълумки, Улуғ Октябр социалистик революциясидан сўнг бошқа шароит тиллар қатори, ўзбек миллий адабий тили ҳам гоёт мурракб ривожланиш ва янгиланиш йўлини босиб ўтди. Адабий тилимиз маданий қурилишнинг ҳақиқий қуролига айланди. Ҳозирги замон ўзбек тили гоёт бой лексик состави ва ривожланган грамматик қурилиши билан характерланади.

Ҳозирги даврда ўзбек адабий тили ўз ички имкониятлари негизда ривожланишда ташқари, рус адабий тилининг баракли таъсирини ўзига сингирди билан ҳам тараққий этмоқда. Тилимиз икитомий ҳаётимиз каби тез ривожланишга: ҳаёда вуҷудга келатган янги предмет ва янги воқеа-ҳодисаларни ифодалаш учун ички имконият бўлмаган тақдирда миллатлараро алоқа тили — рус тилидан ва у орқали бошқа тиллардан сўзлар қабул қилимиз.

Ҳозирги ўзбек адабий тили таркибидан чет тиллардан кирган кўплас сўзлар ва грамматик кўрсаткичлар бор. Булар ўзбек тилига эҳтиёж асосида кириб келди ва ўзлашди. Улар ҳозирги ўзбек адабий тилининг сўз бойлиғи саналади.

Бирок чет сўзларини эҳтиёжсиз, ҳеч қандай зарурат бўлмаган ҳолда қўллаш тил ва нутқдаги зарарли ҳодисалардандир. Ҳозирги даврда нутқимизда, айниқса, кўпроқ жонли сўзлашув нутқимизда сўз ишлатиш нормасидан четта чиқиб, нутқда лексик, грамматик ва стилистик қоидаларга эътиборсиз муносабат сезилмоқда. Булар нутқ маданиятимизнинг ривожига салбий таъсир қилипти. Айрим ҳолларда ҳеч қандай заруратсиз, ўзбекча нутқ қонунларига хилоф равишда бошқа тилларга хос сўзлар ноўрин ишлатилипти.

Бундай чалкаш ва мумжал нутқда «Директор қандай қилипти?», «Ушқан Навоийга қандай чиқса бўлади?», «Мана шу завлянига подлисъ қўйиб бераркан сиз?», «Ушқан приёмида ишлатган йилт жуда симпатичный экан» каби ҳам услу

бий, ҳам мантиқий ғализ жумлалар учрайди.

Икки тил элементларини ўринсиз, пала-партиш қористириш ҳар қайи тилга ҳам ҳурматсизликдир. Чунки, ўзлашмаган бошқа тил сўзи нутқда кўпчила ўзининг асл шаклини, талаффуз чегарасини йўқотди. Сўздаги катта фонетик-орфофик ўзгаришлар уни баянлаш таниб бўлмас даражага олиб келади.

Нутқий маданият соҳасида доҳиймиз В. И. Лениндан ўрнат олсан арзийди. Маълумотлардан равшанки, доҳий ўз она тили — рус тилидан бошқа яна бир қанча тилларни тўқиб билган. Лекин у қайси бир тилда гапирмасин, соф ўша тил имониятларидан фойдаланган. Доҳий бошқа тил сўзларини зарур бўлмаган ҳолда, ноўрин ишлатиш ҳар икки тилга ҳам ўта қўполлик қилишдан бошқа нарсас эмас, деб баҳолаган. В. И. Ленин «Рус тилининг соғлиғи ҳақида» номли мақоласида чет сўзларнинг рус тилида ноўрин қўлланилгандан дарғазаб бўлиб, шундай деган эди: «Нима учун «дефектлар» деган сўзни ишлатиш зарурати бор? Унинг ўрнига хато, нуқсон, камчилик сўзларини қўллаш яхшироқ-ку, ахир! Чет эл сўзларини ўринсиз ишлатишга қарши кураш эълон қилишимиз керак эмасмикин?»

Кўп тилини билиш инсоннинг маданий раванқига муҳим роль ўйнайди. Лекин бошқа тилини «билишми»-на ишора қилиб, она тилини бузиб гапириб оқибдан эмасдир.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўзининг «Ҳазойинул маоний» асаридан нутқ ва унинг қиммати ҳақида шундай деган эди:

Чун гузар сўздин эрур маъни анга,
Нақш ўлсун хоҳ хотин, хоҳ эр.
Сўзчи ҳолини берма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма ки дер, ония кўргил — ким не дер.

Нутқда сўзларини нотўғри қўллашнинг этика ва эстетика масалаларига бориб таъаллуқлидир томони ҳам бор. Бу ҳусусда А. П. Чехов «Инсоннинг ҳамма нарсаси — юзи ҳам қиймат ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам гўзал бўлиши керак», деган эди. Халқимизнинг «Ўзига боқа, сўзига боқа», «Ош ички таъми тўз билан, одамнинг таъми сўз билан» каби мақоллари ҳам шу мазмунда айтилган.

Инсон фикр юритиш қобилияти билан, оламни фаҳмлаш ва уни нутқ орқали ифода қилиш қобилияти билан кинот маъжудотлари орасида энг етуқ ва энг буюнғидир. Хар бир сўз — инсон ички дунёсининг овози, одоб ва маданиятининг кўзгуси.

Муҳаммаджон ҚОДИРОВ.

Филология фанлари кандидати. ТошДУ доценти.

Бола азиз — одоби ундан азиз, дейди доно халқимиз. Чиндан ҳам бола азиз бўлганидек, унинг тарбияси, ҳуқуқ-одоби, замонамизга етуқ киши бўлиб етишиши муҳим масала бўлиб туради.

Бола тарбияси ҳақида гап кетар экан, аввало бу борада ота-онанинг бола олдидан обрўси намунаси нақарда муҳим эканини таъкидлаш ўтмасдан илож йўқ.

Ижобий сифатларга эга бўлган фарзанд аввало ота-онани, онасига, барчага ғамхўр, ҳар бир ишга масъулият билан қарайдиган, меҳрибон инсон бўлиб ўсади. Бунда асосан, табиийки, ота-она ўз ибрат ва намуна билан гоёт муҳим роль ўйнайди. Улар фарзандларига ўзларининг яхши хулқларини билан, она ва болалар олдидан ота-онанинг бурчларини тўғри англашлари билан ибрат бўла оладилар.

Хулди яна шундай ойналар жумласига Тошкент шаҳар Оқтепа массивда истиқомат қилувчи Талъат ака Аҳмедов олдасин инсон тарбиясида кўрсатиш мумкин. Талъат ака 37 йилдан бери темир йўлда ишлайдилар. Оли фарзандини ҳар томонлама етуқ инсонлар қилиб тарбиялаш шарафига мунсар бўлган инсон. Фарзандларининг барчаси ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида актив фаолият кўрсатишмоқда. Улар ўз ота-оналари каби барчага ибрат, намуна бўлишмоқда.

Умуман, оилада ота-онанинг, шу оиладаги катталарнинг ўтириб-турганидан тортиб, сўз маданияти, қийинчи, ўзини тута билиши, кишилар билан муомаласи, ҳатто атроф-муҳитга муносабати, газета, журнал ўқиши ва бошқа шунга ўхшаш оддий бўлиб қўрилган ҳолатлар ҳам бола тарбиясига катта таъсир қилади.

Бола олдига ахлоқ-одобга тўғри келмайдиган ҳар хил гапларни айтиш, турли уй анжомлари, қимматбаҳо нарсалар ҳақида гапириб, албатта, бола тарбиясига салбий таъсир қилмай қолмайди. Натижада бундай оиналарда ўсган болалар моллараст, мешчан, жамият ва коллектив манфаатидан ўз манфаатини устуқ қўйдиган бўлиб ўсади. Бунинг ўрнига оила даврасида янги китоблар, жамиятимизда содир бўлаётган сиёсий воқеалар, янги қўрилган фильмлар ҳақида суҳбатлар, мунозаралар қилина, кундалик ахборотлар мунтазам кузатиб борила бола характерига ахлқий малакалар, сиёсий эътиқодлар яхши шакллана боради.

Болалар фақат тарбия олиш бўлганига чекланиб қолмай, маълум ёшдан бошлаб ўз-ўзини тарбиялай бошлайди ҳам, ана шу пайтларда ота-оналар жуда сергак бўлишлари лозим, чунки бо-

лаларнинг ўзларида энг яхши фазилатларини ҳосил қилишга, барча иллатларга мунорасиз бўлишга йўналтириш ота-онанинг биринчи галдаги вазифасига кириди. Ҳозирги шароитда ёшларни ахлоқан пок, жисмонан соғлом, етуқ кишилар қилиб тарбиялаш ҳар бир совет оиласининг олдида қўйилган энг муҳим талабларидан биридир. Бунинг учун ҳар бир ота-она ўз фарзандини эзуқ мақсадга янгиловчан, катталарни эъзозлайдиган, кичикларга мурувватли, қатъий, ташаббускор, уюшқор, қийинчиликлардан қўрқмайдиган кишилар қилиб тарбиялашлари лозим бўлади.

Дарҳақиқат, кундалик ша-

ни ҳурматлаб, босиб билин «сиз-сиз»лаб гапириб, салар болалар ҳам ана шундай муомалага қўнича боради, яъни катта-кичикни иззат қилишга ўрганади.

Ҳозирги кунда бола тарбиясида маҳаллаларда олиб борилаётган тарбиявий ишлар ҳам диққатга сазовордир. Чунки ҳозирги ёшлар маҳалла комитетлари ишларининг тарбиясида ўзларини масъул кишилар деб ҳисоблайдилар. Масалан, бу борада Тошкент шаҳрининг А. Икромов районидagi Журжоний номли маҳаллада олиб борилаётган тарбиявий ишларини мисол тариқасида кўрсатиб ўтиш мумкин. Маҳалла комитети

Педагог ўйлари

КАТТАЛАРНИНГ
ИБРАТЛИ ЙЎЛИ

роитда кўпчила болалар халқарига баҳо бериладиган унинг ота-онасига қараб баҳо берилади. Қадимдан халқимизда шундай доно нақл бор: «Қўш уюнда кўрганини қилади» ёки «Ҳа, ота-онасига тортибди» дейишди. Яхши хулқ, одамийлик каби фазилатлар кўпчила болаларда ота-оналарга тақлид қилиш орқали шаклланибди. Демак, ҳар бир ота-она ўз фарзандини ёшнинг олдидан, бардошчи бўлишга ундайсалар, бола халқарига инсон учун энг муҳим бўлган ҳислатлар, яъни орият, номус, бурч, хушмуомалалик ва одоблилик, ўзаро дўстона муносабат, самимийлик, беиморларга ҳамдард бўлиш каби сифатларни ўстиришга катта ёрдам берган бўладилар. Зеро, бола тарбиясида ота-онанинг роли беқиёс экан, демак, боланинг ёшлик чоғига доноқ ахлқ муомалада бўлиш, оила аъзоларининг бир-бирини ҳурмат қилиши жуда да муҳимдир. Ахлқ оиналарда ўсган фарзандларнинг тарбияси ҳамма жойда, мактабда ҳам, жамоат жойларида ҳам ўз самарасини кўрсатиб туради.

Ота-оналарнинг оила юмушларини, жамоат тошпирларини виждонан бажаришлари болалар эътиборидан четда қолмайди. Улар кузатади, чунки болаларда ҳиссиётлик, қузатувчанлик қиёсийларни кучли бўлганлиги учун ҳам улар яхши-ёна ва ёмонлиқни тезда ажратиб олишади. Шунинг учун ҳам ота-она бир-бири-

раисн Тоҳир ака Тоирон бундай дейди:

— Бизнинг маҳалла активлари ўзларининг иш планларида ёшлар ва айрим оиналар билан алоҳида иш олиб боришга катта аҳамият берадилар. Актив йиғилишларида, умумий йиғилишларида яхши фарзандларнинг тарбиялаган оиналар ҳақидан, кези келганда никоҳ тўйи кечаларида ҳам яхши оиналардан мисоллар келтирилади. Кўпчилик ўрта-сидда қўрилган яхши гаплар уларга маънавий озна беради, аммо айримларнинг номлари айтилмасда, лекин бола тарбиясида камчиликларга йўл қўётган оиналардан ҳам мисоллар келтирилади. Айниқса, кўп болани тарбиялаб воғта етказган Қарамон она П. Ёқубова, Н. Жалилова, Исоқоваларнинг оиналари мисол тариқасида кўрсатилиб, ўларнинг тажрибаларини бошқа оиналар ўртасида ҳам кенг қўлланилиши тавсия этилади. Умуман, тарбия борадида маҳалла комитетининг таъсири жуда катта. Маҳаллада фалон оинанинг фарзандларини хулқи муҳонама қилинибди, деган сўз ота-онага қаттиқ таъсир қилади. Шунинг учун айрим мактабга чиқмай қолган, ёки тартиб бузган ўқувчиларнинг ота-онасини маҳалла йиғилишига чақириб, ўлайимизки дардгаз олмасдан оиди олаётган бўлади.

Баъзи ота-оналарнинг ўиламасдан ҳаётга енгил гапларини, фарзанд тарбияси-



Бувижон,
ўқиб беринг

БОДРИНГ
— Ада, қара!
Бўлмиш сариқ
— Чала қолган,
Ҳе, аттанг-га,
Қачон узар деб бизни
Пойлаб ҳоли бўлган танг,
Шундан юзи
— Зафарон,
Кечикдингиз, ҳе
— Аттаниг.
Ўғлим сен ҳам бўл
хушёр.
Терайлик ўз вақтида.
Кетмасин меҳнат
— Бекор,
Ажралмайлик нақдидан.
«ХОРМАНГ» ДБ
Ерин обдон юмшатиб,
Экдим қовоқ сарасини.
Ишловчи ҳам ўхшатиб
Катта қилдим барисини.
Укам, синглим талапар
Сомса қилса гоҳ оийм.
Дадам-чи, мени мактар:
«Мунча ширин қовоғинг!»
Чинирлар шунда укам:
— Мен ҳам ахир
борман, — деб —
Акам чопиқ қилган дам,
Тургандим-ку «Хорманг»
деб.
Ғани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон.

Болалар сўзлаганда

КАТТА ИШ

Она қизалоғига қолиб деди:
— Умида, сен билан ҳеч бир иш қилиб бўлармикан-а, ўзи?

— Ха, ойинкон, унда мени кўтариб юра қолинг. Айтасиз-ку, ўзинг менга катта-кон ишсан деб...

ЎЗУНЛИК УЛЧОВИ

Биринчи синф ўқувчини бўлган Нозимжон математика дарсини тайёрлаб ўти-

рарди. У масалалардан би-рини ечаётиб, дадасидан сўради:
— Дада, «Метр» нима?
— Метр — узунлик ўл-чови.
— Унда, сантиметр кал-талиқ ўлчови эканда-а?!

«БҒИРСОҚ»

Телевизордан Васила «Бўғирсоқ» мультфильмини томоша қилди. Эртаси кунни унинг ойини бўғирсоқ пи-шираётган эди. Қизалоқ қи-тариб пишган иссиқ бўғир-

соқдан бир донасини авай-лаб олди-да, балқонга олиб чиқиб дераза тоқчасига қўй-ди. Сўнг стулча олиб келиб унга тикилиб ўтирди. Бу-ларни қузатиб турган акиси сўради:
— Васила, нималар қи-лялсан?

— Бўғирсоқ совиғандан кейин думалаб-думалаб қуён, айиқ, бўри, тулкилар билан учрашиб, ашула айтиб беришини кўрмоқчиман...

Фозилжон ОРИПОВ.



«Хунарининг завқли онлари».

Р. Шарипова фототюди.

Барчага фойдали бўлди

Сўнгги йилларда республикамизда спорт календарини бойиб, географияси кенгайиб бормоқда. Оммавийлик эса авжда. Ўзбекистон спортчиларининг жаҳон мусобақаларида олимпадаларда муваффақиятли қатнашиб келаятганликлари,нинг боиси ҳам ана шу оммавийлик. Яқинда нихосига етган «Еш Ленин» газетаси соврини учун республика шахмат-шашка клубининг очик биринчилиги бунга яна бир мисолдир. Бундан 15 йил аввал биринчи бор ўтказилган очик биринчиликда 68 спортчи иштирок этган бўлса, бу йилгида 470 шахматчи қатнашди. Турнир географияси жуда кенг бўлди.

Ҳўш, бу иштирокчилар кимлар эди? Мастерликка номзод Владимир Кириллов мусобақа иштирокчилари орасида энг кексаси ҳисобланса, Саппа Брайлоский энг ёш қатнашчи бўлди. Шу боис бу оммавий турнир қатнашчиларининг 64 нафариди изланишларию, топқирликлари, яъни маҳорат даражалари турлича кечди.

Шунга қарамай, бу очик биринчилигини ёш талантлар учун ўзига хос маҳорат мактаби деб билганлар республикамизда оз эмаслиги аққол сезилди. Чунки, Самарқанддан 30, Намангандан 25, Андижондан 20, Бухоро, Хоразм ҳамда Сурхондарё областидан ўнлаб спортчилар мазкур мусобақада ўз кучларини синаб кўрдилар. Биргина Красноярскийнинг «Металлург» спорт клубидан йиғирмага яқин шахматчи қатнашиб, ўз маҳоратини оширган бир ҳолда Қашқадарё ва Сирдарё областлари, шунингдек, Қорақалпоғистон автоном республикасидаги шахматта мутасадди ўртоқлар бу қулай имкониятлардан фойдаланиб қилишни лозим топмадилар.

Қунига 235 тахтада ажиб шахмат жанглири бўлиб, уч мингта ақин партия ўйналди. Мастерликка номзодлар пахтабодлик Иброҳим Каримов билан красноярскийлик Александр Ерофеев ўн турдан сўнг 9 тадан очко туллади. Ўн биринчи турда улар ўзаро беллашди. Бу масъулиятли баҳсдан Иброҳим Каримов аввалига оч доналар билан ўйнашнинг ўзига хос афзалликлари ҳақида сўз қилди. Бироқ сенга-аста вақт тигизилган ҳақиқат бера бошлагач бир сипоҳис қолди, сўнгга соатни тўхтатишга мажбур бўлди.

Шундан қилиб, красноярскийлик Александр Ерофеев биринчи бор чемпионлиги унвонини ва бош совринни қўлга киритди. Қозғоғичентлар жадалига кўра қолган етти ўрин қуйилганча тақсимланди. Красноярскийлик А. Внукос иккинчи, челябинскийлик В. Фролов учинчи; Орқалик шаҳридан Е. Перовский тўртинчи, чимкентлик О. Гавришкин бешинчи, пахтабодлик Иброҳим Каримов олтинчи, челябинскийлик С. Васенов еттинчи бўлди.

Шартга кўра мусобақага энг кўп, 30 нафар спортчи юборган Самарқанд область спорт комитети «Еш Ленин» газетаси редакцияси тасмис этган кўча кубок билан мукофотланди.

Турнирда топкентлик А. Рашитов, навоийлик Г. Внш-



3 СЕНТЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Қозғоғистон — «ҚУЗ ЁШЛАР
ОРОЛИДА ИККИ КИШИ» (17,
18, 19.00), «ҚУЗ» (20.00).
Ватан — «ЧАНГА ҚОЛГАН
ГУЛ» (16, 18.30, 21.00).
Москва — «ТОВУШЛАРДА
ЖАРАНГЛАГАН ХОТИРА» (17,
19, 20.40), «ҚУЗ ЁШЛАР
ОРОЛИДА ИККИ КИШИ»
(тоқ соатларда, сўнгги сеанс
20.40).

Чайка — «ГАПЛАШАРЛИК
АКА» (16, 18.30, 21.00), «ХАВФ-
ЛИ ГАСТРОЛЛАР» (17, 19,
20.45).

Янгйобод — «ҚИЕФАДАШ
ЕРДАМГА КЕЛАДИ» (16, 18,
20.00).

Тошкент Советининг 50
йиллиги — «ШАХРИЗОДАНИНГ
ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» (16, 18.30,
21.00).

Ватан—ҚУЗ» (16.00), «ОЎЧИНГ,
МИЛИЦИЯ» (18, 21.30).

Нукус — «ЧАККИГА-А-ДАК-
КИ» (16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «К.КАМЕ-
ЛИЯЛИ ХОНИМ ТАРИХИ»
(жуфт соатларда).

Ғуна — «ЮЛДУЗ БУЎЛИШ
ОСОНМИ» (16, 20.00).

4 СЕНТЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Қозғоғистон — «ҚУЗ ЁШЛАР
ОРОЛИДА ИККИ КИШИ» (11,
13, 14, 15, 17, 18, 19.00), «ҚУЗ»
(12, 14, 20.00).

Ватан — «ЧАНГА ҚОЛГАН
ГУЛ» (11, 13.30, 16, 18.30,
21.00).

Москва — «ТОВУШЛАРДА
ЖАРАНГЛАГАН ХОТИРА» (11,
13, 15, 17, 19, 20.40), «ҚУЗ ЁШ-
ЛАР ОРОЛИДА ИККИ КИ-
ШИ» (тоқ соатларда, сўнгги
сеанс 20.40).

Чайка — «ГАПЛАШАРЛИК,
АКА» (11, 13.30, 16, 18.30,
21.00), «ХАВФЛИ ГАСТРОЛ-
ЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

Янгйобод — «ҚИЕФАДАШ
ЕРДАМГА КЕЛАДИ» (12, 14,
16, 18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «ШАХРИЗОДАНИНГ
ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» (11, 13.30,
16, 18.30, 21.00).

Ватан — «ҚУЗ» (12, 16.00),
«ОЧИНГ, МИЛИЦИЯ» (14, 18,
21.30).

Нукус — «ЧАККИГА-ДАККИ»
(11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Лисув номи — «ММИСО-
ЛИ УЧ МУШКЕТАР» (11, 14,
17, 20.00).

Искра — «АФСОНА ВА ИН-
СОН» (12, 14.00), «ХАВФЛИ
ГАСТРОЛЛАР» (16, 18, 20.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КА-
МЕЛИЯЛИ ХОНИМ ТАРИХИ»
(жуфт соатларда).

Ғуна — «ЮЛДУЗ БУЎЛИШ
ОСОНМИ» (16, 20.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ
ТЕЛЕФОНЛАР:

Сават саройи — 44-21-44,
44-21-34, 44-21-74.

Ватан — 74-30-39.

Чайка — 77-06-20.

Москва — 33-05-01.

Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — 78-47-25.

Восток — 91-14-61.

Лисув номи — 96-34-02.

Искра — 39-14-59.

Нукус — 46-46-55.

Дружба — 67-96-87.

Шаҳар кинотеатрларида хиз-
мат кўрсатиш маданиятини юк-
салтириш юзасидан таққил
ва истаклар билан Тошкент ша-
ҳар ижроия комитети киноте-
лаштириш бошқармасига в 33-
37-11 телефон номери бўйича
мувожаот қилинсин.

ХАМЗА НОМИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ДРАМА ТЕАТРИДА
8 сентябрда
Хамза Ҳакимзода
Низанининг
«ВОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ»
СПЕКТАКЛИ БИЛАН
70-МАВСУМ
ОЧИЛАДИ

РЕПЕРТУАР
П Л А Н И

8/IX да — Бой ила а хиз-
матчи.

9/IX да — Ойна.

10/IX да — Отелло.

11/IX да — Ўғрини қ қа-
роқчи урди.

12/IX да — Арзасигга қу-
ра.

13/IX да — Тақдир э ши-
ги.

15/IX да — Курорт.

16/IX да — Қутлуг в қон.

17/IX да — Қуёв.

18/IX да — Сўнгги қабул.

19/IX да — Тақдир э шиши.

20/IX да — Тўхмат.

23/IX да — Келинлар р қа-
ғолони.

24/IX да — Қутлуг в қон.

25/IX да — Қуёв.

26/IX да — Тақдир э шиши.

27/IX да — Тўхмат.

29/IX да — Келинлар р қа-
ғолони.

Спектакллар соат 19.30 да
бошланади.

ТОМОШАВИЛАР
ДИКТАТИ!
«ИНТИРИСТ»
МАДАНИЙ-АХВОРСОТ
МАРКАЗИ
8, 9, 10, 11, 12
СЕНТЯБР
СОАТ 19.30 да
ХИДИСТОН САНЪАТ
УСТАЛАРИНИНГ
КОНЦЕРТЛАРИГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ

Билетлар соат 14 дан
19.30 гача сотилади.

Пул ўтказиш ёқил бўйлаб
коллектив заявқалар ҳам
қабул қилинади.

Справқалар учун телефо-
нлар: 33-88-54, 33-84-31.

Адрес: Тошкент шаҳри, Со-
ветская кўчаси, 2-уй (метро-
станцияси) «Октябрь инқилоби»

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Хунар-техника таълими давлат
комитети

1-УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987-1988 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқишга 8-10 синфларни тамомлаган, Совет Армияси
сафлида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлар қабул
қилинади.

Билим юрти темирйўл транспорти ва Тошкент мотор за-
води учун қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар
тайёрлайди:

токарь, автомат линиялар оператори, электромонтер,
алюминий қўймаларини қуовчилар, слесарь-сантехник
(10-синф маълумоти билан) ўқиш муддати — 1 йил, сти-
пендия 72 сўм;

тепловоз машинистининг ёрдамчиси, электровоз маши-
нистининг ёрдамчиси, тепловознинг ҳаракатдаги состави
ремонти бўйича слесарь, ўзгарувчан ток контакт тармоғи
монтери, токарь, электр пайвандчи, слесарь-сантехник,
механика-йиғув ишлари слесари (автослесарь), саноат ас-
боб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, рақамли про-
грамма билан бошқариладиган станокларнинг оператори
рақамли программа билан бошқариладиган станокларни
созловчи (8-синф маълумоти билан). Ўқишга 3 йил муд-
дат билан қабул қилинганлар бепул овқат, кийим-бош билан
таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида
ўқувчилар меҳнат ҳақининг 50 процентини олади.

Ўқишга 8-синфин битириб кирганлар танлаган касби
бўйича малака ошириш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот
ҳам олади.

Таълим курсини тамомлагач ўқувчиларга ағаллаган
касби бўйича диплом ва ўрта маълумот ҳақидаги аттес-
тат берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тамомлаганларга олий ўқув юртлири ва
ўрта махсус ўқув юртлирига кириш учун йўланмалар
берилади.

Билим юрти ётоқхона, спорт комплексига эга, техни-
ка ижоди ва бадий ҳаваскорлик тўғрақлари ишлаб ту-
рибди.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади. Билим юрти
тамомлаганлар темирйўл транспорти ходимларига бе-
риладиган имтиёزلардан, чунончи Совет Иттифоқининг
исталган бурчагига йилда бир маротаба бепул бориб-ке-
лиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қили-
нади: паспорт, (ёки туғилганлиг ҳақидаги гувоҳнома),
маълумот тўғрисидаги ҳужжат, яшаш жойидан справка,
ота-онасининг иш жойидан справка, эмланганлиги ҳақи-
да мактабдан медицина справкиси, характеристика, ариза.
8 дона фотосурат (3х4 см).

Аризалар ҳар кун соат 9 дан 17.00 гача, шанба ку-
ни — соат 9 дан 15.00 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Слоним кўчаси (15, 23, 61,
48-автотбусларнинг «Слоним кўчаси», 3, 23-трамвайлар-
нинг «Ашрафий кўчаси» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

1987-1988 ўқув йилига

Ўқувчилар қабул қилади

Республика ўқув-курс комбинати савдонинг қуйидаги
соҳалари бўйича мутахассисларни тайёрлайди: БАРЧА
ПРОФИЛДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ ТОВАР-
ЛАРИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРИ ВА СОТУВЧИ-
ЛАРИ.

17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотли қизлар
кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Тугатганларга «Контролёр-кассир» ёки «сотувчи» их-
тисоси берилади.

Озиқ-овқат (саноат) товарлари кичик сотувчиларини
тайёрлайдиган гуруҳларга ҳам тугалланмаган ўрта (8, 9
синф) маълумотли 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар
кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8 ой, тугатганларга «кичик сотувчи»
ихтисоси берилади.

Қабул қилинган ўқувчиларга ҳар ойда 54 сўмдан 63
сўмгача стипендия берилади.

Республика ўқув-курс комбинати Ўзбекистон шаҳарла-
рида ишлайдиган қизларни шаҳар ва област савдо бош-
қармалари маҳаллий савдо идораларининг йўланмаси бил-
ан қабул қилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қиради.

Ҳужжатларини қабул қилиш, шунингдек, гуруҳналарда
ўқиш бутун йил давомида узлуқсиз олиб борилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминла-
надилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топшира-
дилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги
ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржиман ҳоли,
(086/У формадаги) медицина справкиси, 3х4 см. ҳажми-
даги 4 дона фотосурат, характеристика, йўланма.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173,
Тошкент шаҳри, Акмал Икромов району, Бобир кўчаси.
3-ўй (13 ва 70-автотбусларнинг «Тез ёрдам кассалхонаси»,
4 ва 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекатлари). Теле-
фонлар — 75-35-86, 75-35-92.

«Юбилей» марказий спорт саройида

18 СЕНТЯБРДАН 27 СЕНТЯБРГАЧА

«ҲАММА ЮЛДУЗЛАР»

МУЗ УСТИДА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ҳалқаро классдаги спорт мастерлари, СССР чемпионлари,
Европа ва жаҳон чемпионатларининг совриндорлари —

Юрий ОВЧИННИКОВ, Елена ГАРАНИНА, Игорь
ЗАВОЗИН, Ольга ВОЛОЖИНСКАЯ, Александр СВИ-
НИН, Ияна ВОЛЯНСКАЯ, Валерий СПИРИДОНОВ, Ве-
роника ПЕРШИНА, Марат АКБАРОВ, Ирина ЖУК,
Олег ПЕТРОВ.

Программани — СССРда хизмат кўрсатган тренерлар
Татьяна ТАРАСОВА ва Елена ЧАЙКОВСКАЯлар саҳна-
лаштиришган.

Бадий раҳбар — СССРда хизмат кўрсатган тренер
Татьяна ТАРАСОВА.

ТОМОШАЛАР: 18, 21, 22, 23, 24, 25 сентябрда —
соат 20.00 да; 19, 20, 26, 27 сентябрда — соат 17 ва
20.00 да бошланади.

ПРОГРАММАДА:

21 ва 25 сентябрда
I БЎЛИМ
Т. Тарасова, Е. Чайковская, А. Чайковский
«ХАЛОС ЭТИЛГАН ДУНЕ ДОИМ ЭСЛАЙДИ»
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, Е. Чайковская, А. Чайковский
«РУСЬ ЯРМАРКАСИ»
18, 20, 23, 26 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, Е. Чайковская, А. Чайковский
«РУСЬ ЯРМАРКАСИ»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова
«ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»
19, 22, 24, 27 сентябрда

I БЎЛИМ
«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ
М. РАВЕЛЬ музикаси.
II БЎЛИМ